

ШАРАФИДДИН  
АЛИ ЯЗДИЙ

# ЗАФАРНОМА



**ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ**

**ЗАФАРНОМА**

**Мовароуннаҳр воқеалари**  
**1360 — 1370**

**Тошкент**  
**"КАМАЛАК"**  
**1994**

**Шарафиддин Али Яздий**

## **ЗАФАРНОМА**

Мовароуннаҳр воқсалари

1360 — 1370

**Масъул муҳаррир,  
сўзбоши муаллифи ва  
нашрга тайёрловчи** **АСОМИДДИН  
ЎРИНБОЕВ**

**Таржимон** **ОМОНУЛЛО  
БЎРИЕВ**

**Муҳаррирлар** **ОРТИҚ  
АБДУЛЛАЕВ  
УРФОН  
ОТАЖОН**

**Бадий муҳаррир** **М.ОДИЛОВ**

"Меърож" кичик корхонаси буюртмаси  
асосида нашрга тайёрланди.

**ИБ 3208**

Теришга берилди 04.0594й. Босишга рухсат  
этилди 06.10.94й. Ditch гарнитураси. Офсет  
усулида босилди. Қоғоз бичими 70x100 1/32.  
Шартли б.т. 9.36. Нашр б.т. 9.00. 10.000 нусха.  
Буюртма № 3340

"Камалак" нашриёти, 700113. Тошкент, Қатортол  
кўчаси, 60.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,  
Тошкент, 700083, Буюк Турон кўчаси, 41.

## С Ў З Б О Ш И

Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темур Соҳибқирон ҳукмронлиги даврига оид "Зафарнома" асари ўрта асрлар тарихнавислигининг ажойиб ёдгорликларидан биридир.

XIV асрда Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Мовароуннаҳр, айрим феодал ҳукмдорлар, ерли ҳарбий зодагонлар ва Чингиз авлодлари бўлган мўғул хонларининг ҳокимиятни қўлга киритиш учун олиб борган тўхтовсиз курашлар майдонига айланган эди. Бу даврда Марказий Осиёнинг мазкур қисмидаги сиёсий аҳвол шу билан ажралар эдики, бир томондан, бу минтақа кичик-кичик, камқувват давлатларга бўлинган, иккинчи томондан эса, ҳар бир йирик феодал бутун Мовароуннаҳрни бўйсундириш ва уни битта ҳокимиятга бирлаштириш учун зўр бераётган эди.

Мовароуннаҳрда кечаётган тарихий жараённинг ана шу даврида XIV аср иккинчи ярмида Амир Темур Соҳибқирон тарих саҳнасига кўтарилди. У мавжуд сиёсий аҳволдан моҳирлик билан фойдаланиб, Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик ва ўзаро курашларга, мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берди, уни бир бутун қувватли давлатга бирлаштирди ва ўз нуфузини қўшни мамлакатларга ҳам таратди. Амир Темур Мовароуннаҳрда иқтисодий ҳаёт, хўжаликни тартибга солиди ва айниқса Самарқандни дунёдаги энг обод пойтахтга айлантириш мақсадида бу ишга Мовароуннаҳрнинг барча қисмларидан ҳамда фатҳ этилган турли мамлакатлардан ўз даври қурилиш санъати дурдоналарининг ижодкорлари бўлган ажойиб ҳунармандларни сафарбар этди.

Амир Темур замондошлари ва ундан кейинги XV аср муаллифлари томонидан ёзилиб, унинг

фаолияти ва шахсига, шу давр сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётига бағишланган тарихий асарлар ва бошқа ёзма манбалар анчагинадир.

XV аср тарихий ёзма ёдгорликлари мазмун жиҳатидан ҳар турли: ҳужжатлар, саёҳатномалар, тазкиралар, мақомотлар, иншо-ёзишмалар ва ҳоказо. Улар ўша давр сиёсий тарихини, давлат тузумини, маданиятини, ташқи алоқаларини мукамал ёритишда қимматли манбадир. Тарихнавислар ёзган махсус асарларнинг ўзи ҳам катта бир рўйхатни ташкил этади. Ана шундай манбалар ичида, ҳозиргача етиб келган, форс тилида ёзилган Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома", Ҳофиз Абрўнинг "Зубдат ут-таворих", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Муъиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворих", Фасиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг "Мужмали Фасиҳий", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн", Мирхонднинг "Равзат ус-сафо", Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" ва Ибн Арабшоҳнинг араб тилида ёзилган "Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Темур" асарларидир. Бу рўйхатга яна 1404 йили Самарқандда Амир Темур ҳузурига ташриф буюрган испан сайёҳи Руи Гонзалес де Клавихоннинг сафар хотираларини ҳамда яна бир қанча асарларни ҳам киритиш мумкин.

Улар орасида Ҳофиз Абрў ёзган "Зубдат ут-таворих" (1423-1427 йилларда битилган) ва Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си (1424-1425 йилда Шерозда ёзиб тугалланган) тарихий кечмишлар баёнининг изчиллиги ва батафсиллиги билан ажралиб туради.

Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си Темур салтанатига оид маълумотларни анча батафсил қамраб олиши билан бир қаторда Амир Темурдан олдинги давр тарихидан ҳам баҳс этади

(бу қисм "Муқаддима" номи билан адабиётда машҳур.)

"Зафарнома" муаллифи "Шараф" тахуллуси билан юритилган Шарафиддин Али Шайх Ҳожи Яздийнинг ўғли бўлиб ўз аскарлари туфайли замондошлари орасида катта шуҳрат ва обрў қозонган эди. У ўзининг йирик тарихий китоби "Зафарнома"дан ташқари, фалсафа, астрология, адабиёт ва тасаввуфнинг назарий масалаларига оид асарлар ҳам ёзган.

Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Алишер Навоий Шарафиддин Али Яздийнинг билими ва асарларига баҳо бериб, "Мавлононинг соиб камоллиғи олам аҳли қошида мусалламдур",— деб ёзган эди.

Шарафиддин Али Эроннинг Язд шаҳридан унча узоқ бўлмаган Тафтда туғилди. Унинг туғилган йили номаълум. У 818/1415-1416 ва 838/1435-йиллар орасида Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султон хизматида бўлди. Шарафиддин Али Яздий ўз асари "Зафарнома"нинг ёзилишини ўша даврнинг ўқимишли кишиси, адабиёт, тарихнинг муҳиби ва билимдони бўлган ана шу Иброҳим Султон номи билан боғлайди. У Форс ўлкаси ҳукмдори эди.

Иброҳим Султон вафоти (838/1435 йил)дан кейин Шарафиддин Али Шоҳрухнинг набираси — Мирзо Султон Муҳаммад саройига таклиф қилинади. Султон Муҳаммад 846/1442-1443 йилда Султония, Қазвин, Рай ва Қумни ўз ичига олган вилоятга ҳоким қилиб тайинланган эди. 849/1445-1446 йилда Султон Муҳаммад Шоҳрухнинг хасталигидан фойдаланиб, ўз яқин кишиларининг иғвоси билан (булар орасида Шарафиддин Али ҳам бўлган) исён кўтаради ва Ҳамадон, Исфаҳонни эгаллайди, Шерозни қамал

қилади. Шоҳрух бетоблигига қарамай, Ҳиротдан чиқиб исён кўт арган шаҳзодага қарши юради. Шоҳрухнинг Шерозга яқинлашиб келаётганлигидан хабар топган Султон Муҳаммад шаҳарни қамалдан бўшатиб, Луристонга қараб қочади, Шоҳрух эса Исфаҳонга қайтиб келиб, бу ерда Султон Муҳаммаднинг тарафдорларига жазо бера бошлайди. Гуноҳкорлар орасида Шарафиддин Али ҳам бўлган эди. Бироқ Шарафиддин Али бу жазодан омон қолган, чунки Мирзо Улуғбекнинг катта ўғли Абдуллатиф Шарафиддин Алини жуда қаттиқ сўроқ қилганлиги туфайли Шоҳрух уни жазолашни шаҳзода ихтиёрига берган. Абдуллатиф эса Шарафиддиннинг ҳаётини саққаб қолиб, уни Ҳиротга жўнатган.

Машҳур шоир Абдураҳмон Жомийнинг биографиясини ёзган Камолиддин Абдулвосе ан-Низомий ўзининг Жомий ҳаётини тасвирлашга бағишланган ва шоирнинг ўзи томонидан кўриб чиқилган "Мақомоти мавлавий Жомий" асарида ёзишича, ана шу воқеадан кейин Шарафиддин Али Ҳиротга келган ва у Инжил ариғи қирғоғида Жомий билан учрашган.

Афтидан, Шоҳрух вафотидан (850/1447 йил) кейин тез орада Шарафиддин Али ўз ватани Тафт (Тафти Язд)га қайтиб келади ва бу ерда хонақоҳга жойлашиб, ўз умрининг охиригача шунда яшайди. Алишер Навоий (844/1441-906/1501) ўзининг "Мажолис ун-нафоис" асарида ёзишича, у олти яшар болалигида "Шоҳрух Султон бузуглигида (яъни Шоҳрух вафотидан кейин юз берган феодал нотинчликлар вақтида — А.Ў.) катта бир жамоат билан биргаликда Хуросондан чиқиб Ироққа жўнаётган отаси билан Тафт орқали ўтар экан, Шарафиддин Али билан яшаган хонақоҳда бўлиб, уни кўрган. Демак,

850/1447 йилда Шарафиддин Али Тафтда яшаётган бўлган.

Шундан кейинги йилларда ўша Тафтда Абдураззоқ Самарқандий Шарафиддин Али билан учрашган. "Матлаи саъдайн" асарида келтирилган маълумотга кўра, 856 йил ражаб ойида (1452 йил августида) Ироқдан Хуросонга қайтаётган Абдураззоқ Самарқандий Тафти Яздда бўлган. Шу ерда Шарафиддин Али билан учрашиб, унинг хонақоҳида узоқ суҳбат қилган.

Шарафиддин Али Яздий 858/1454 йилда вафот этган ва ўша хонақоҳда дафн этилган.

Муаррих "Зафарнома" асарини Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султон ташаббуси билан битганлигини айтади. Унинг таъкидлашича, Иброҳим Султон бобоси Темур ҳақида махсус китоб ёздиришни ният қилган ва 1419-1420 йилда турли котиблар — бахши ва муншилар томонидан Темур ҳақида туркий ҳамда форсий тилда ёзилган мавжуд маълумотларни тўплаш ҳақида фармон чиқарган. Жамланган маълумотлар воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишилар ҳикояси билан таққосланган, кейин Шарафиддин Алига улар билан танишиш ва бу ҳақда Иброҳим Султонга ахборот бериш топширилган.

"Зафарнома"нинг Темур тарихидан баҳс этувчи асосий қисмида Шарафиддин Али шундай ёзади: "Подшоҳликнинг барча томонларидан Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён этилган ҳикояларнинг ҳамма шеърий ҳамда насрий нусхалари тўпланиб бўлгач, улар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган, туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гуруҳни ташкил этган. Дастлаб Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилган, агар у воқса баёни ўз



кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатни топиш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқсани Темурнинг бошқа замондошларидан суриштирган ёки қўшимча маълумотлар тўплаган. Бошқа гувоҳларнинг ҳикояларини ҳам эшитгач, Иброҳим Султон айтиб турган ва асарнинг дастлабки хомакиси қаламга олинган. Ана шу асосда Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг буйруғига мувофиқ китобни битиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши шарт бўлган.

Шарафиддин Али олдига асарни жонли ҳамда тушунарли қилиб ёзиш талаби қўйилган. Шунингдек, унинг ҳужжатларга қатъий риоя қилиши, Иброҳим Султоннинг бевосита назоратида амалга оширилган дастлабки хомакиси ёзувдан четга чиқмаслик ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги лозим эди. Шу билан бирга, асарни ёзишда Шарафиддин Али Яздий ўз шахсий кузатишларидан ҳам унумли фойдаланган.

Муаллифнинг ниятига кўра, асар "Муқаддима" қисми ва учта мақоладан иборат бўлиши керак эди. Биринчи мақолани Темурга, иккинчисини Шоҳрухга (1405-1447), учинчисини Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султонга мўлжалланган. Бинобарин, қўлимиздаги "Зафарнома" ният қилинган ана шу уч қисмли асарнинг биринчи мақоласидан иборат, холос. Бошқа икки мақола йўқ — улар Шарафиддин Али томонидан ёзилмаган ёки ёзилган бўлса ҳам бизгача етиб келмаган.

"Зафарнома" ёзилган даврдан бошлаб илм-фан аҳли эътиборида бўлди. Бу ҳақда Али Яздийнинг асрдоши Абдураззоқ Самарқандий келтирган сатрлар

ҳам яққол мисолдир. У шундай ёзади: "Қутли фол бу йилнинг (828/1424-1425) нодир воқеаларидан (бири) "Зафарнома" номли ажойиб китобнинг битилишидир. Бу китобни қалами ҳусни хат битувчи жаҳон хуштаъбларининг нозик сўзlisi, Эроннинг энг фазилатли кишиси, оқиллик буржининг равшан юлдузи, матонат қутичасининг дури, Аллоҳнинг раҳматига чўмилгур мавлоно Шарафиддин Али Яздий ёзиб тамомлаган ҳамда мушкин рақам билан хосу омнинг димоғига анбар бўй насим етказган, сўз улуғлигини жавзо чўққисидан юқори ўтказган.

"Зафарнома" XV ва XVI асрларда қаҳрамонлик қиссаси жанрида икки марта шеърий йўл билан: ўзбек тилида шоир Лутфий\* ва машҳур шоир Абдураҳмон Жомийнинг жияни Ҳотифий (вафоти 1521) томонидан назм этилган эди. XVI аср бошларида Шайбонийларнинг дастлабки вакилларида бири бўлган Кўчкунчихон (1510-1530) топшириғига мувофиқ Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий томонидан "Зафарнома" ўзбек тилига таржима қилинган. Адабиётларда Ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ажамий томонидан асарнинг турк тилига таржима қилинганлиги ақида ҳам маълумот бор. Дарвоқе, "Зафарнома" 1822-1823 йилларда Хивада Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Сўфи ал-Хивақий томонидан ўзбек тилига қисқартириб таржима қилинганлиги ҳам маълум. Лекин бу таржималар қисқартирилган, эркин таржималар бўлиши билан бир қаторда, ҳозирги вақтда уларнинг мавжуд нусхалари турли мамлакатлар кутубхоналарида сақланади ҳамда уларни ҳозирги замон илмий таржима талаби ва мезони билан ўлчаб бўлмайди. Шунга қарамасдан, бу таржималар ҳам ўзига хос қимматли манба бўлиб қолади.

---

\*Бу асар бизгача етиб келмаган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/2524> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2524> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2524>